

## АМУДАРЁ ДЕЛЬТАСИ ЛАНДШАФТЛАРИ ТАСНИФИНИ ЎРГАНИШ

*Беканов Куатбай Кошкарбайевич*

*ЎзМУ картография кафедраси доценти г.и.б.ф.д*

*Сапарниязова Насиба Бахадировна*

*Коракалпок давлат университети География ва табиий ресурслар факултети (2-курс магистранти)*

### Аннотация

Маколада Амударё дельтаси ландшафтлари таснифи ўрганилган бўлиб, геотизимлардаги ўзгаришлар грунт сувлари сатҳи режимининг динамикаси натижасида сув сатҳининг кўтарилиши ёки пасайиши ландшафтларнинг гидроморф ёки элювиал турларини шаклланишига сабаб бўлади, уларнинг морфологик қисмлари генетик жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғланган ва доимий равишда ўзаро таъсирлашади ҳамда умуман улар ўзаро боғлиқликда вужудга келади.

**Калит сўзлар:** ландшафт, геотизим, чўлланиш, грунт сувлари, тупроқ.

Амударё дельтасини мунтазам оқим билан таъминлаб туриш ва тўқайларни, кўл-ботқоқлик ҳамда чўл комплексларидаги яйловларни суғориш, сув ва яйлов ресурсларидан оқилона фойдаланиш, дефляция ва бошқа табиий жараёнларни олдини олиш учун ихота ўрмонларини яратиш, шунингдек, чўлланиш жараёнини олдини олиш мақсадида Амударё дельтасининг асосий ирмоқларини мунтазам оқим билан таъминлаш тўқайзорлар вегетациясига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари ирмоқлар кўплаб кўлларни сув билан таъминлаб, қамишзорлар ва пичанзорларни суғоради. Шу мақсадлар учун ҳар йили камида 4-5 км<sup>3</sup> сувни асосий ирмоқларга йўналтириш ҳамда Амударё ўзанида илгари мавжуд бўлган Толдиқ сув ҳавзасини яратиш ва у ерда 2-3 км<sup>3</sup> сув тўплаш мумкинлигини асослаб беришган. Сув ҳавзаси нафақат балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш, балки дарё ўзани чекка қисмларидаги яйловлар ва тўқайзорларни ҳам суғориш учун хизмат қилади. Амударё дельтасининг шимолий қисми – Ўзбекистоннинг яйлов чорвачилиги, балиқчилик, мўйначилик(ондатрачилик) ривожланган йирик

ҳудуд ёки яйлов чорвачилиги, балиқчилик, ондатрачилик ривожланиши учун улкан майдон ҳисобланиб, суғориладиган ерларни кенгайтириш, қандолатчилик саноатида фойдаланиладиган қизилмия ва юқори сифатли беда уруғлари етиштириш, қамишлар ҳисобидан ем-хашак жамғариш ва бошқалар учун ҳам қулай шароитга эга. Умуман олганда ҳудуд ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларга эга ва меҳнат ресурслари етарли даражада. Аммо, ҳозирги кунда ҳудудга антропоген чўлланиш бостирб келиши оқибатида агросаноат ривожланишдан ортда қолмоқда. Бу эса ўз навбатида экотизимлар маҳсулдорлигини кескин камайишига, ерларнинг ҳосилдорлигини пасайишига, сув ресурсларини ифлосланишига, аҳоли ва уй ҳайвонлари орасида турли хил касалликларни кенг ёйилишига олиб келмоқда. Бу чўлланиш

жараёнини ортиб боришини тартибга солиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалда қўллаш, ландшафтлар маҳсулдорлигини оширишни, экотизимларни мунтазам сув билан таъминлашни, аҳолини соғломлаштиришни ва уларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш зарурлигини кўрсатади.

Бундан ташқари дельтанинг шимолий қисмида келгусида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асосан донли экинлар, сабзаёт, ҳамда полиз экинлари, узум ва бошқалар билан таъминлаш мақсадида суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш керак. Бунинг учун ҳам маълум миқдорда суғоришга яроқли сув талаб этилади. Амударё дельтасининг субаквал экотизимларини қайта тиклаш ва сақлашнинг асосий йўналишларидан бири марказий ва ғарбий қисмларидаги яйловлар ҳамда пичанзорларни, бир қатор йирик қўллар ҳамда дарё тармоқларини мунтазам сув билан таъминлаш ҳисобланади. Аммо, ҳозирги экологик вазиятда булар етарли деб ҳисобланмайди, чунки қуриётган Орол денгизи дельтанинг табиий муҳитига жиддий таъсир кўрсатмоқда (туз, қум, чангларнинг миграцияси, аккумуляцияси ва бошқалар). Шу сабабли, асосий (туб) қирғоқ зонасида тупроқни ҳимояловчи ихота ўрмонлар билан биргаликда бошқариладиган сув ҳавзалари яратиш мақсадга мувофиқ. Нисбатан чуқур, қўлларни сув билан таъминлаш уларни ифлосланиши ва шўрлиги ортишини олдини олишга имкон беради. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида нисбатан чуқурлиги катта бўлган ҳавзани танлаш керак, сабаби қанчалик чуқур бўлса, буғланиш ва ўсимликлар босиб кетиши шунчалик кам бўлади. Шунинг учун қўлларнинг саёз қисмларини дамба билан чегаралаб, у ерлардаги қамишзорларни суғоришда лиман суғориш усулидан фойдаланиш лозим. Қўллар тизими бошқариладиган бўлиши керак, шу сабабдан улар бири-бири билан тармоқ орқали боғланган бўлиши зарур. Тармоқ орқали сув қўлдан денгизнинг қуриган қисмида жойлашган сув ҳавзаларига ёки қамишзор массивларга оқиб ўтиши керак.

Амударё дельтаси бўйлаб фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш чўлланишга қарши курашишда энг муҳим йўлдир. Тупроқни шамол таъсирида емирилишини олдини олишда ўрмонларнинг самараси анчагина юқори ва бу Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида амалда синалган. Албатта, дарё тармоқлари бўйлаб тўқайлар борлиги кучли шамол ва дефляцияга қарши жуда яхши тўсиқдир. Лекин, кўплаб дарё тармоқларида сув оқими йўқлиги сабабли тўқайлар аллақачон қуриб қолган. Бу тармоқлар сув билан таъминланса, албатта, улар яна қайта тикланади. Аммо, барча тармоқларни ҳеч бўлмаганда йилда бир марта сув билан таъминлашнинг имконияти мавжуд эмас. Шу сабабдан ўрмон зоналарини муайян жойларда, яъни қаерда уларни сув билан таъминлаш имкони бўлса ўша жойларда яратиш мақсадга мувофиқдир.

Амударё дельтасига қум ва тузларни кириб келишини олдини олиш мақсадида улар билан доимий кураш олиб бориш керак. Бунда энг самарали усул денгизнинг қуриган қисмида фитомелиоратив тадбирларни олиб бориш ҳисобланади.

Шунинг учун биомаҳсулдорликни ошириш ва геотизимлардаги ўзгаришларни барқарорлаштириш, турли салбий ҳодисалар, асосан чўлланиш ривожланишининг олдини олиш учун тегишли параметрларда

табақалаштирилган чора-тадбирларни қўллаш керак. Аммо, табиий муҳитни ўзгартириш учун биринчи навбатда табиатнинг хусусиятларини, авваламбор, геотизимларнинг табиатини (яъни, юқорида кўрсатилган хусусиятларини) ҳисобга олиш керак. Шу муносабат билан бошқарувнинг илмий асосларини ҳисобга олиш табиий муҳитни оптималлаштириш комплексида етакчи ўринни эгаллайди. Амударё дельтасида ва умуман олганда гидроморфдан автоморфга ўтиш схемаси устунлик қилади, лекин геотизимларнинг ўзига хос шароитларига қараб (ёки табиий комплексларнинг структуравий-динамик ҳолатидан) табиий муҳит ўзгаришининг у ёки бу фазалари (босқичлари) устунлик қилади ( 1-расм).



1-расм. Амударё дельтаси ландшафт картаси.  
(Карта В.А.Рафиқов, З.А.Ганиевлар томонидан тузилган, 2022 й.)

Дельта ва денгизнинг қуриган қисмини геотизимлари динамикаси биринчи навбатда харакатчан компонентларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Бунда литоген асос бир мунча барқарор ва консерватив характерга эга. Геотизимларнинг бузилиши натижасида уларнинг трансформацияланиши кузатилади [14; 35-45 б.], яъни грунт сувлари-тупроқ-ўсимлик-геотизим, баъзи жойларда бошқачароқ: рельеф-тупроқ-ўсимлик-геотизим кўринишида кузатилади. Бу грунтнинг литологик таркиби билан боғлиқ; қаерда кумли ётқизиқлар кўп бўлса, геотизим ўзгариши иккинчи схема бўйича, қолган ҳолларда биринчи схема бўйича содир бўлади. Геотизимлардаги ўзгаришлар грунт сувлари сатҳи режимининг динамикаси натижасида юз беради, яъни грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши ёки пасайиши ландшафтларнинг гидроморф ёки элювиал турларини шаклланишига сабаб бўлади. Иккинчи схемада ўзгариш эол жараёнларининг кумли ётқизиқларга таъсири билан боғлиқ бўлиб, бу ерда грунт сувлари табиий муҳитдаги ўзгаришларда бевосита иштирок этмайди. Ушбу нуқтаи назардан ҳудуд геотизимлари динамикасида иккита йўналишни, яъни гидроморфдан автоморфгача (мос равишда, баъзи жойларда автоморфдан гидроморфга) ва эол парчаланиш томон автоморфларнинг барқарор ривожланишини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳудуд ландшафтларининг морфологик қисмлари генетик жиҳатдан бири-бири билан ўзаро боғланган ва доимий равишда ўзаро таъсирлашади ҳамда умуман улар ўзаро боғлиқликда вужудга келган. Бу ҳолат рельефнинг хусусияти ва элювиал супераквал ҳамда субаквал комплексларда ётқизиқларнинг литологик таркиби билан боғлиқ. Ландшафтларнинг морфологик қисмларида моддалар алмашинуви майда тупроқ, туз, кум, чиринди ва бошқаларнинг автоморф комплекслардан гидроморфларга ювиш орқали амалга оширилади. Охиргисида юқорида айтиб ўтилганларга қўшимча равишда, тупроқ намлигининг буғланиши туфайли тузлар, гипс ва атрофдан ўша моддаларнинг эол жараёнлар орқали келтирилиши натижасида тўпланади. Шу билан бирга, суви оқиб чиқиб кетмайдиган чуқурлик ва ботиқликларда тўпланган моддалар мунтазам равишда атрофдаги текисликка шамол ёрдамида учиради, шунинг учун ландшафтларнинг морфологик қисмларида моддаларнинг тўпланиши ва олиб кетилиши интенсив равишда кузатилади, бошқача айтганда, бу ерда моддаларнинг келиши ва чиқиб кетиши ўртасида ўзига хос мувозанат ўрнатилган. Аммо, шунга қарамадан оқимсиз ботиқликларда грунт сувларининг буғланиши ҳисобига ҳали ҳам фаол туз тўпланиши мавжуд бўлиб, уларнинг олиб чиқиб кетилиши аккумуляцияга нисбатан анча паст даражада. Амударё дельтасининг ботиқлараро текисликлари элювиаль геотизимлар сифатида ҳозирги кунда нафақат ювилиш ҳудуди ҳисобланади, балки моддаларни чиқиб кетиш ҳудуди бўлиб, ривожланишнинг қурғоқчил босқичига ўтган, табиий ҳолатда (яъни суғоришсиз) туз тўпланишнинг тикланиши содир бўлмайди. Бу ерда моддаларни ювилиши ва шамол билан атрофдаги ўзанлараро пастликларга учуриб кетилиши доимий равишда

кузатилади. Лекин, бу текисликлар регионал масиштабда ҳақиқатда ҳам кўчиш ва шўр ювилиш ҳудуди ҳисобланади, йирик масиштабда эса уларнинг

ичида тепаликлар, пастқамликлар ва уларнинг ёнбағирлари, яъни кўчиш ва шўр ювилиш, моддалар кўчишининг аккумуляция қилинадиган участкаларига ажратилади. Улар ҳозирги замон ётқизиқлар дифференциациясида маҳаллий аҳамиятга эга бўлсада, геотизимлар структурасида ва динамикасида асосан тупроқ, ўсимликлар ва грунт сувлари режимини тақсимотида улар муҳим ўрин тутади. Шу сабабдан ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир ландшафтларнинг микро комплекслари миқёсида яққол кўзга ташланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулқосимов А.А, Шомуротов М.С. Антропоген ландшафтларни муҳофаза қилишнинг географик асослари// Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент: ЎЗМУ, 2006. – Б. 35-36.
2. Арманд Д.А. Наука о ландшафте. – М.: Мысль, 1975. – 285 с
3. Богданова Н. М., и др. Засоленность почвогрунтов осушившегося дна Аральского моря// Известия АН РФ, серия география. – М., 1998. – № 2. – С. 35-45.
4. Рафиков А.А., Г.Ф.Тетюхин. Снижение уровня Аральского моря и изменение природных условий низовьев Амударьи. – Ташкент: ФАН, 1981. –200 с.
5. Рафиков В.А. Проблема Арала и прогнозирование геосистем в интересах экологической безопасности Узбекистана. – Ташкент: ООО «Munis design group», 2014. – 108 с.
6. Rafikov V., Rafikova N., Mamadganova G. Forecasting and the forecast of changes of arid geosystems in the conditions of proceeding ecological destabilization in Aral sea region// Editorial office for Journal of Geodesy and Geodynamics. – China, 2014. – vol. 5, N 2. – pp. 16-23.